

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МЕДИАТАЪЛИМ ВА МЕДИА-ИМИЖ МАСАЛАЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Б.АЛИМОВ,
ЎзМУ Олий журналистика
курслари раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўз асарлари ҳамда маърузаларида миллий анъаналаримиз, бугунги ривожланиш даврининг моҳияти, у билан боғлиқ турли муаммолар, мамлакат тараққиётининг стратегик режалари, минтақавий ва халқаро сиёсат, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳамда мавқеи каби долзарб масалаларни атрофлича таҳлил этиб келмоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки матбуот радио, телевидение, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмакдалар. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларимизнинг онгини фақат “уни ўқима, бунни кўрма!” деб бир томонлама тарбия бериш орқали шакллантириш ҳозирги замон талабига ҳам, халқимиз эзгу мақсадларига ҳам тўғри келмайди. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги ахборот глобаллашуви даврида ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоялаш, уларни ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш, медиатаълимнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уни таълим соҳасига жорий этиш ҳақида 2012 йил 31 август куни матбуот орқали ўз тавсияларини берган эдилар¹.

Айни пайтда ушбу мавзуда олимларимиз томонидан хориж тажрибаси ўрганилиб, янги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Республика ва халқаро миқёсда ташкил этилаётган илмий-амалий анжуманларда масаланинг назарий жиҳатлари, асосий тамойиллари ва истиқболдаги режалари экспертлар томонидан муҳокамага тортилмоқда.

Тўғри, бир қарашда, медиатаълим асосан оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб боровчи журналистларгагина тааллуқлидек туюлади. Лекин масалага кенгроқ назар ташланса, у ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия берувчи бугун миллий тизимга: мактабгача таълимдан тортиб, олий таълим муассасалари, айниқса педогогика институтларининг вазифаси эканлиги аён бўлади.

Шу сабабдан, медиатаълимни – ахборот глобаллашуви даврида боғча, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида ахборот билан ишлашга ўргатиш, ўқувчиларни олий таълим даргоҳларида ўқишга пухта тайёрлаш, уларни кейинчалик касбий фаолиятга йўналтириш ва умуман ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ комплекс таълим жараёни, деб аташ мумкин.

ЮНЕСКО тавсияларида қайд этилишича, “медиатаълим – ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқининг бир қисмидир”. Хорижлик мутахассислар фикрига кўра, бугунги ахборот жамияти шароитида аудитория томонидан мустақил ҳаётнинг дастлабки босқичларидаёқ зарур ахборотни излаш, турли ОАВ каналлари орқали кузатилаётган, кўрилаётган ва ўқилаётган ахборотни ижодий қабул қилиш аҳамиятли бўлиб, дунё мамлакатларида аҳолининг бу жараёнда фаоллиги тобора ошмоқда.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, Германия, Франция ва Россия сингари қатор давлатларда олий таълим тизимидаги илмий-педогогик кадрларни тайёрловчи институтларнинг таълим дастурларида медиатаълим масаласига алоҳида ўрин ажратилади. Бу мамлакатларда олий таълим муассасаларини тамомлаган педагог кадрлар

¹ Память о предках – вечна // <http://press-service.uz/ru/news/609/>.

мактабларда, лицей ва коллежларда айнан медиатаълимга йўналтирилган дарс машғулотларини олиб борадилар.

Шунингдек, бу жараёнда халқаро журналист кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Чунки медиатаълимни пухта ўзлаштирган мухбир ўз олдига қўйилган вазифаларни профессионал даражада бажариши учун аввало ахборот маконида “оқ-қора”ни ажрата билиши, объектив ёзилган материаллар билан уйдирма мақолалар ўртасидаги фарқни аниқ фаҳмлай олиши лозим. Салоҳиятли ёш журналист бундай ҳолатларда ўз қатъий позициясига эга бўлиши ва керак бўлса, вазиятга тўғри баҳо бера олиши керак.

Журналистика факультетларида келажакдаги ОАВ ходимлари, яъни ёш журналистларнинг глобал инфор­мацион кенглик шароитида ва ахборот хуружлари таъсирида турли ахборот манбалари билан ишлашда профессионал кўникмаларни ривожлантириш тизими сифатида махсус курслар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий этилган.

Бунга “Глобал инфор­мацион кенглик шароитида журналист ижоди”, “Янги Интернет технологиялар ва замонавий таҳдидлар”, “Интернет ва бошқа ОАВда сиёсий жараёнларнинг ёритилиши”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Ахборот жамияти назарияси, миллий менталитет ва медиатаълим асослари” сингари қатор махсус курсларни мисол сифатида келтириш мумкин. Улар ахборот глобаллашуви шароитида самарали ишлаш, ахборот хуружларининг реал таъсирини англаш, мафкуравий ку­ролларнинг қўлланилиш кўла­ми ва унинг таъсирини тасаввур эта олиш, замонавий технологияларнинг ривожланиши, унинг ижобий ютуқлари ва салбий оқибатларини таҳлил қилишга қаратилган.

Журналистлар ўз фаолияти давомида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва оламшумул ютуқлар ҳақида мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлашар экан, улар Ўзбекистоннинг медиа-ими­жини яратишда бевосита иштирок этадилар.

Дарҳақиқат, ёш мамлакат ими­жи масаласи охи­рги йилларда илмий жамоатчилик, умуман сиёсий элита томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Бунинг ижтимоий онг ҳамда онгости даражасида ишла­шини эътиборга олсак, масаланинг нақадар долзарблиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Бизга маълумки, Англия “консерватизм ўлкаси”, Италия “мафия макони”, Таиланд “туристик жаннат” деб таърифланади. Бундай ёрлиқларни қўллаш ўтган асрларда, яъни ҳали пиар фани шаклланмаган пайтдаёқ одат тусига кирганди. Шунингдек, Эронни “Форс кўрфази жандарми”, Хива хонлигини “Ўрта Осиё Жазо­ири” деб аташ урф бўлган.

Жамоатчилик билан алоқалар шаклланишидан аввал жаҳон тарихида фақатгина ёрлиқлар ёпиштириш орқали “қора” технологиялар қўлланган деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Аслида эса халқаро муносабатларда ҳамкорлар олдида ўз ижобий ими­жини яратиш ва шакллантириш билан бирга аксинча, рақиб ими­жига қарама-қарши туришга қаратилган “оқ” технологиялар ҳам ниҳоятда кенг қўлланган. Албатта, бундай ёндашув яхлит тарзда пиар технологиялари деб аталмаган, шунга қарамай уларнинг мо­ҳияти ўзгармайди. Шу маънода ёш мустақил давлатларнинг медиа-ими­жини, яъни уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги қиёфасини шакллантириш ҳам муайян режалар асосида фаолиятни ташкил этишни талаб этади. Жамоатчилик билан алоқаларни кенгайтириш бу борада давлат бошқаруви органлари, турли жамоат ташкилотлари ва бизнес доиралар ишини мувофиқлаштиришни кўзда тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат медиа ими­жини медиатаълимнинг асл мо­ҳиятини теран англаган, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, чуқур касбий билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлган халқаро журналистлар яратади.

Бунинг учун мамлакат олий таълим муассасалари журналистика факультетларида таълим олаётган ёш журналист кадрлар ҳозирги ахборот асрида халқаро муносабатлар ва

республикаларнинг мустақил тараққиёт босқичлари ҳақида ҳам мустаҳкам билимга эга бўлишлари зарур.

Чунончи, геосиёсий нуқтаи назардан ташқи муносабатларнинг ахборотлаштириш таъсиридаги тараққиётини давраштириш учун рус тадқиқотчиси А.Н.Чумаков томонидан дунёвий жараёнларни англаш борасида таклиф этилган қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш ўринлидир²:

1. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 20-йилларига қадар – дунёдаги мавжуд ижтимоий муаммоларни яхлит тарзда англаш даври. Бунда халқаро муносабатларга даставвал географик жиҳатдан, сўнгра иқтисодий ва кейинчалик эса сиёсий нуқтаи назардан эътибор қаратилган.

2. XX асрнинг 20-60-йиллари – дунё жамоатчилиги эътибори асосан экологик муаммоларга қаратилган. Бу даврда жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларга доир назарий қарашларда туб ўзгаришлар содир бўлган.

3. 1648 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда давлатлараро муносабатларда Вестфаль модели³га амал қилинганига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Аниқроғи, суверен давлат фақат ўзининг географик ҳудудидагина исталганча ҳукмронлик қила олади. Бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмайди. Бу даврда, яъни XX асрнинг ўрталаридан ахборотнинг жамият ҳаётидаги ўрни аста-секин кенгая бошлади.

4. XX асрнинг 60-80-йиллари оралағида умумий глобал муаммолар кун тартибига чиқди. Дунё жамоатчилиги асосан ахборотлар ҳақида бош қотира бошлади.

5. 1990 йиллардан ҳозирги давргача – глобаллашув жараён сифатида юзага келди. Жаҳон жамоатчилиги ахборотлар оқими атрофига ўралашиб қолди. Умумий маънода тараққиёт ҳам фақат ахборотга боғлиқ бўлиб қолмоқда. А.Н.Чумаковнинг фикрига кўра, шундан сўнг постглобализация даври бошланади.

Дарвоқе, глобаллашув атамаси дастлаб 1983 йилда америкалик олим Л.Левиттнинг “Harvard business review” журналида чоп этилган мақоласида қўлланилган эди.

Умуман олганда, ҳозирги даврда дунёда ахборот ва янгиликлар муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий омил ҳисобланади. Дунё бўйича хабар тарқатувчи оммавий ахборот воситаларига эга бўлган давлатлар ер юзиде кечаётган сиёсий воқеаларни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилади ва бошқаларга етказди. Тарқатилаётган хабарлар асл ҳақиқатдан йироқ бўлгани туфайли кўпгина мамлакатлар ва халқлар тажовузкор давлатларнинг таъсирига тушиб қолмоқда. Бу эса адолатсиз урушларнинг давом этишига сабаб бўлмоқда. Ана шу ҳолатни назарда тутган ҳолда дунё медиа маконини – ахборот ва оммавий ахборот воситалари омилини алоҳида илмий ишларда чуқурроқ таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қайд этиш керак, XX асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон жаҳон оммавий ахборот воситаларида жуда кам тилга олинар эди. Чет эллик газетхонлар, радиотингловчилар ва телетомошабинлар мамлакатимизнинг географик жойлашуви, унинг маданий ва табиий бойликлари ҳақида етарли маълумотга эга эмас эдилар. Хорижий мухбирлар республика ҳақидаги мақола ва материалларни асосан Москвадан туриб ёзишни афзал кўрардилар.

Мустақиллик туфайли эндиликда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнига жуда кўплаб хорижий ОАВ вакиллари бевосита гувоҳ бўлишди. Натижада, орадан чорак аср вақт ўтиб, жаҳон медиа маконида Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар ҳажми бир неча баробарга ошди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси босиб ўтган йўлнинг жаҳон медиа маконида ёритилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини иноватга олган ҳолда, бу

² Чумаков А.Н., Указ.соч. М., – С.368, 369.

³ Вестфальская система международных отношений // <https://ru.wikipedia.org/>

жараёни Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даври билан чамбарчас боғлиқ тарзда, қуйидаги бир қатор босқичларга бўлиб, ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич сифатида **1989 – 1991 йиллари** олиш мумкин. Бу давр Ислом Каримовнинг Республика раҳбари лавозимига келиши, Ўзбекистонда мустақиллик ғояларининг пишиб етилиши, давлат мустақиллиги тарихий тасодиф эмаслиги, балки республикада юзага келган зиддиятли ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўл-йўриқларини қидириш билан характерланади. Мазкур йилларнинг алоҳида давр сифатида эътироф этилишида Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асаридаги хронологик ёндашув ҳам ушбу даврнинг концептуал асоси ҳисобланади⁴.

1991-2000 йиллари ўз ичига қамраб олган навбатдаги даврда Ўзбекистон миллий давлатчилигининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асослари яратилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга йўналтирилган ўтиш даврининг биринчи ислохотлар жараёни бошланди.

Ҳозирги МДХ ҳудудида пайдо бўлган қатор ёш давлатлар орасида бизнинг мамлакатимиз ўзининг бетакрор ривожланиш йўлини танлади. Муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистоннинг ана шу тараққиёт йўли жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва хориждаги етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритила бошланди.

Айнан шу даврда собиқ тизимдан воз кечилиб, миллий истиқлол ғоясининг асослари шакллана бошлади. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида демократик кадриятларнинг мустақамланиши баробарида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига жадал кириб бориши билан боғлиқ муҳим ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз тенг ҳуқуқли, суверен давлат сифатида ташқи муносабатларни ўрнатиб, қатор минтақавий ва халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Бундай ҳолат республиканинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан юксалишига асос бўлди.

Мазкур босқичда “Ўзбек модели”нинг ҳаётга жорий этилиши натижасида маъмурий буйруқбозликка асосланган совет тизими ўрнига миллий давлатчилик асослари билан боғлиқ мустақам ҳуқуқий база яратилди. Жаҳон медиа маконида “Ўзбек модели”нинг ўзига хослиги, унинг афзалликлари ҳамда ютуқлари тўғрисида қатор материаллар эълон қилинди.

Айнан шу даврда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди. Мамлакатда эркин бозор иқтисодиётига ўтилди, шунингдек, фуқаролик жамияти асослари яратилди. Мамлакат мустақиллигини ҳар томонлама мустақамлаш билан бирга, минг йиллик анъаналар, бой миллий кадриятлар, урф-одатлар асраб авайлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар хориж матбуотида атрофлича ёритилди.

Навбатдаги босқич, яъни **2000–2010 йиллари** қамраб олган учинчи босқичда мамлакатда фаол демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари кузатилди. Чет эл матбуоти саҳифаларида Ўзбекистон билан боғлиқ чоп этилган материалларнинг аксариятида айнан шулар бош мавзу сифатида олиб чиқилди.

Бу даврга келиб мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнлари янада чуқурлашди. Эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мустақил суд тизими мустақамланди. Бундан ташқари фуқаролик жамияти асослари ривожланди, халқнинг иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга эришилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “бу икки давр халқимиз

⁴ Сабиров А.Т. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи// Фан доктори илмий даражасига талабгорлар учун ўқув қўлланма. Т., 2013. 6-8 бб.

хаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди”⁵.

“Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни эришилган бундай марралар – барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў–эътибор қозонган ҷамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми холос”⁶, дея фикр билдирган эди.

2010 йилдан ҳозирги тўртинчи босқич бошланди. Бу давр демократик ислохотлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнини янада чуқурлаштириш даври ҳисобланади.

Шубҳасиз, мазкур босқич Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатда фуқаролик ҷамиятини шакллантириш ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепциясининг ишлаб чиқилиши билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборотлаштириш соҳасини ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш каби долзарб масалаларга асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятлар, мақсад ва вазифаларга йўналтирилган бўлишидан қатъи назар, ўзаро бир-бирларини тўлдирувчи ҳамда муштарак мақсадга қаратилган.

Айнан ана шу босқичлар кесимида халқаро журналистикада Ўзбекистон имиж эволюциясини атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда эришилган натижалар асосида тегишли хулосалар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Бунда халқаро журналист кадрларни тайёрлашда медиатаълим ва медиа-имиж масалаларининг уйғунлиги назарий асос сифатида юзага келади.

⁵ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.–Т.:Ўзбекистон, 2008. 16-жилд, 3, 47 бб.

⁶ Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик ҷамиятини ривожлантириш концепцияси.– Т.:Ўзбекистон, 2011. 19-жилд, 39 б.